

Единый портал корпоративной информации

Существенные факты

"NATIONALPAY" AJ

06. Решения, принятые высшим органом управления эмитента, в том числе решения наблюдательного совета хозяйственных обществ о выпуске акций, корпоративных облигаций и иных ценных бумаг

1.	НАИМЕНОВАНИЕ ЭМИТЕНТА	
	Полное:	"NATIONALPAY" aksiyadorlik jamiyati
	Сокращенное:	"NATIONALPAY" AJ
	Наименование биржевого тикера:	Нет
2.	КОНТАКТНЫЕ ДАННЫЕ	
	Местонахождение:	Xorazm viloyati, Xonqa tumani, Madir QFY, Ilg'or mahallasi
	Почтовый адрес:	
	Адрес электронной почты:	milliypay@gmail.com (mailto:milliypay@gmail.com)
	Официальный веб-сайт:	milliypay.uz (https://milliypay.uz)
3.	ИНФОРМАЦИЯ О СУЩЕСТВЕННОМ ФАКТЕ	
	Номер существенного факта:	6
	Наименование существенного факта:	Решения, принятые высшим органом управления эмитента, в том числе решения наблюдательного совета хозяйственных обществ о выпуске акций, корпоративных облигаций и иных ценных бумаг
	Вид собрания:	внеочередное
	Дата проведения собрания:	15.07.2024

Дата составления протокола собрания:	17.07.2024	
Место проведения собрания:	220803, Ўзбекистон Республикаси, Хоразм вилояти, Хонқа тумани, Мадир қишлоғи, Илғор маҳалласи	
Кворум собрания:	100,00	

№	Вопросы, поставленные на голосование	Итоги голосования					
		за		против		воздержались	
		%	количество	%	количество	%	количество
1	«NATIONALPAY» акциядорлик жамиятининг устав фондини қўшимча акцияларни чиқариш орқали ошириш ва чиқариш тўғрисидаги қарорини қабул қилиш тўғрисида	100,0	2 288 800	0	0	0	0
2	Қўшимча акцияларни чиқариш шартлари ва тартибини тасдиқлаш тўғрисида	100,0	2 288 800	0	0	0	0
3	Қўшимча акцияларни чиқарилиши тўғрисидаги қарорини тасдиқлаш тўғрисида.	100,0	2 288 800	0	0	0	0

№	Полные формулировки решений, принятых общим собранием
---	---

1 Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуннинг 18-моддасига мувофиқ, жамиятнинг устав фонди (устав капитали) қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан қўпайтирилиши ва қўшимча акциялар фақат жамият уставида белгиланган, эълон қилинган акцияларнинг сони доирасида жамият томонидан жойлаштирилиши мумкин. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 30 ноябрдаги “Рақамли маҳсулотлар (хизматлар) истеъмолчилари ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва рақамли технологиялар воситасида содир этиладиган ҳуқуқбузарликларга қарши курашишни кучайтириш чоралари тўғрисида”ги ПҚ-381-сон қарори билан Рақамли иқтисодиётни янада ривожлантириш, рақамли маҳсулотлар (хизматлар) истеъмолчилари ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва рақамли технологиялар воситасида содир этиладиган ҳуқуқбузарликларга қарши курашишни кучайтириш, шунингдек, аҳолининг рақамли молиявий саводхонлигини ошириш мақсадида ўлов тизими операторлари ва тўлов ташкилотлари устав капиталининг энг кам миқдори 2024 йил 1 июлдан бошлаб — тўлов тизими операторлари учун 50 млрд сўми, тўлов ташкилотлари учун 10 млрд сўми ва 2025 йил 1 июлдан бошлаб — тўлов ташкилотлари учун 20 млрд сўми ташкил этиши белгиланган. Жамиятнинг амалдаги Уставининг 7.4-бандига мувофиқ жамият устав капиталини ошириш мақсадида жойлаштирилган акцияларига қўшимча равишда 2 000 000 (икки миллион) дона оддий чиқариши мумкинлиги белгиланган. Юқоридагилардан келиб чиқиб, ягона акциядори томонидан «NATIONALPAY» АЖ устав капитали миқдорини пул кўринишида номинал қиймати 5 000 (беш минг) сўм бўлган 800 000 (саккиз юз минг) дона, умумий қиймати 4 000 000 000 (тўрт миллиард) сўмлик эгасининг номи ёзилган оддий қўшимча акцияларни чиқариш ва жойлаштириш йўли билан 11 444 000 000 (ўн бир миллиард тўрт юз қирқ тўрт миллион) сўмдан 15 444 000 000 (ўн беш миллиард тўрт юз қирқ тўрт миллион) сўмга ошириш мақсадга мувофиқлигини билдирди.

2	<p>“Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуннинг 18-моддасига мувофиқ, жамиятнинг устав фондини (устав капиталини) кўпайтириш тўғрисидаги қарорда жойлаштириладиган қўшимча оддий акцияларнинг ва имтиёзли акцияларнинг сони, уларни жойлаштириш муддатлари ҳамда шартлари белгиланган бўлиши керак. Қўшимча акцияларни жойлаштириш тартиби ва муомалага киритиш шартлари қўйидагича тасдиқлансин: - Ушбу чиқарилишдаги акцияларнинг жойлаштириш усули (очиқ ёки ёпиқ обуна): Ушбу чиқарилиш акциялари Жамият ягона акциядори Ўзбекистон Республикаси фуқароси Эркинбоев Одилбек Шермамат ўғли (Erkinboyev Obodbek Shermamat o'g'li, ID-карта: AD 1312766)га ёпиқ обуна орқали жойлаштириш. - Ушбу чиқарилиш акцияларини жойлаштириш муддати: Ушбу чиқарилишдаги акцияларни, акциялар чиқарилиши ваколатли давлат органи томонидан давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан эътиборан бир йил ичида жойлаштириш; Жойлаштиришнинг бошланиш санаси: акцияларнинг чиқарилиши тўғрисидаги қарор давлат рўйхатидан ўтказилган кун; Жойлаштиришнинг тугаш санаси - ушбу чиқаришнинг охириги акцияси жойлаштирилган кун, бироқ акцияларнинг чиқарилиши тўғрисидаги қарор давлат рўйхатига олинган санадан бошлаб бир йилдан ортиқ бўлмаган муддатда. - Ушбу чиқарилиш акцияларини жойлаштириш тартиби: Ушбу чиқарилишдаги акцияларни жамият ва ягона акциядор ўртасида биржадан ташқари уюлмаган бозорларда тўғридан-тўғри битим тузиш орқали қонунчиликда белгиланган тартибда жойлаштириш. Ушбу чиқарилишдаги акцияларни жойлаштириш учун андеррайтер жалб қилинмаслик. - Ушбу чиқарилишдаги жойлаштириладиган акцияларни олишга бўлган имтиёзли ҳуқуқни амалга ошириш тартиби: Ушбу чиқарилишдаги акциялар жамият ягона акциядорига жойлаштириладиганлигини инобатга олиб, имтиёзли ҳуқуқ қўлламаслик. - Ушбу чиқарилишдаги акциялар баҳоси (баҳолари) ёки жойлаштириш баҳосини белгилаш тартиби: Ушбу чиқарилишдаги акциялар номинал қиймати бўйича, яъни ҳар бири 5 000 (беш минг) сўмдан жойлаштириш. - Акцияларни тўлаш шартлари ва тартиби: Акциялар учун тўловлар Ўзбекистон Республикаси миллий валютасида ва/ёки хорижий валюта АҚШ долларларида фақат пул маблағлари билан нақд ва (ёки) нақдсиз шаклда қонунчиликда белгиланган тартибда амалга ошириш. Акциялар тўланишига келиб тушадиган нақд ва (ёки) нақдсиз шаклдаги пул маблағлари: - Ушбу акциялар чиқарилиши амалга олмаган деб топилган тақдирда жамият томонидан акциялар тўлови сифатида олинган асосий воситаларни қайтариш тартиби: Мазкур чиқарилишдаги акцияларнинг 60 фоизидан кам қисми уларни чиқариш тўғрисидаги қарорда белгиланган муддатда жойлаштирилган тақдирда мазкур чиқарилиш амалга олмаган деб эътироф этиш. Акциялар чиқарилиши амалга олмаган деб тан олинган тақдирда, Жамият томонидан мазкур ҳолат бўйича расмий тарзда оммавий ахборот воситалари орқали, шу жумладан жамиятнинг расмий веб-сайтида ҳамда Корпоратив ахборот ягона порталида эълон қилиш. Акциялар чиқарилиши амалга олмаган деб тан олинган кундан бошлаб, 10 кун мобайнида акциялар учун қабул қилинган тўловлар ўрнатилган тартибда қайтариш</p>
3	<p>Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил 30 августда 2000 рақам билан рўйхатдан ўтказилган “Қимматли қоғозлар эмиссияси ва эмиссиявий қимматли қоғозлар чиқарилишларини давлат рўйхатидан ўтказиш” Қоидаларига мувофиқ, қимматли қоғозлар чиқарилишини давлат рўйхатидан ўтказиш учун қимматли қоғозларни чиқариш тўғрисидаги қарорнинг тасдиқлаш лозимлигини маълум қилди</p>

Ф.И.О. руководителя исполнительного органа:	O.M.Allayarov
Ф.И.О. главного бухгалтера:	D.B.Ozodov
Ф.И.О. уполномоченного лица, разместившего информацию на веб-сайте:	D.B.Ozodov

Данная публикация на корпоративном веб-сайте эмитента (<https://nationalpay.pro.uz>)

Источник: <https://openinfo.uz/facts/6/11248>

Дата: 06.04.2026